

ҒҮЗА НАВЛАРИНИНГ КҮЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА БОГЛИҚ ҲОЛДА ЧИЛПИШ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИНИ ЧИГИТ МОЙДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Комилов Рустамжон Махамадович

ФарДУ Зоотехния ва агрономия кафедраси ўқитувчиси

Ҳайдаров Мавлонжон Машрабович

ФарДУ Зоотехния ва агрономия кафедраси катта ўқитувчиси

Усмонов Абдували Абдулпаттойвич

ФарДУ Зоотехния ва агрономия кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199465>

Аннотация. Андижан-35 и ЎзПИТИ-201 ғўза навларининг күчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпиши ўтказиши муддатларини чигит мойдорлигига таъсири ўрганилди.

Калим сўзлар: ғўза навлари, күчат қалинлиги, Андижан-35, ЎзПИТИ-201, чилпиши, чигит мойдорлиги.

ВЛИЯНИЕ ПЕРИОДА ЧЕКАНКИ НА СОДЕРЖАНИЕ МАСЛИЧНОСТИ В СЕМЕНАХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА

Аннотация. Отмечено влияние сортов хлопчатника Андижан-35 и УзПИТИ-201 периода чеканки на содержание масличности в семенах сортов хлопчатника.

Ключевые слова: хлопчатник, густота стояния, коробочка, масличности в семенах, чеканка, Андижан-35, УзПИТИ-201 сорта хлопчатника.

INFLUENCE OF THE MINTING PERIOD ON THE CONTENT OF OIL CONTENT IN THE SEEDS OF COTTON VARIETIES

Abstract. The influence of cotton varieties Andijan-35 and UzPITI-201 of the minting period on the content of oil content in the seeds of cotton varieties was noted.

Key words: cotton, standing density, box, productivity, oil content in seeds, chasing, Andijan-35, UzPITI-201 cotton varieties

КИРИШ

Маълумки, ҳар қандай етиштирилаётган экинларнинг асоси юқори ҳосил олиш ҳисобланса, унда бажариладиган ҳар бир агротехник тадбирларнинг асосий вазифаси ҳосилдорликни оширишга ва ундаги сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ғўзани парваришларда күчат қалинлиги яъни яганалаш ва чилпиш агротадбирлари инсон томонидан бажарилиб, улар ўз муддатида олиб борилганда кутиласидиган ҳосилдан ортиқроқ ҳосил олишга эришиш мумкин.

Айниқса, янги районлашган ва истиқболли ғўза навларида тупроқ иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда мақбул агротехник тадбирлари ишлаб чиқилмаган бўлиб, мақбул чилпиши муддатлари ушбу янги ғўза навларида тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ. Шу нуқтаи-назардан изланишларда районлашган ва истиқболли ғўза навларида күчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпиш агротадбирларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди [2, 3, 4].

Биламизки уруғлар ўсимликларнинг ҳаёти давомидаги бошланиши ва якунланиши ҳисобланади. Уруғлар ҳар қандай ноқулай шароитга бардошли бўлиб, эмбрионларнинг ривожланиши учун озиқа ва физиологик фаол моддаларни захирада ушлаб туради. А.М.Гродзинскийнинг маълумотларида ўсимликда физиологик жараёнларнинг ўзгариши,

чигитнинг шаклланишига ҳам таъсир этиши кузатилган. Чилпиш ғўза кўсакларининг пишиб етилишини тезлаштириб, физиологик жараёнларни фаоллашишига олиб келади [1].

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тадқиқотларда (2018-2020 йй) турли кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда чигитнинг кимёвий таркиби ва сифат кўрсаткичлари таъсири ўрганилди. Бунда Андижон-35 ғўза нави кўчати сийрак қолдирилган майдонларда, яъни 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда 11-12 ҳосил шоҳда чилпиш ўтказилган вариантда чигит ядродаги (мағзизда) май миқдори 44,3% ни, чигитдаги май миқдори 20,8% ни ва ядро чиқими 53,0% ни ташкил этган бўлса, 13-14 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равища 45,1; 21,5; 53,9% ни ташкил этди. Бу фонда чигит майдорлиги чилпиш 15-16 ҳосил шоҳида ўтказилган вариантда энг юқори бўлганлиги маълум бўлди ва назоратга нисбатан ядродаги май миқдори 1,9% га, чигитдаги май миқдори 1,4% га, ядро чиқими 1,4% га юқори бўлганлиги кузатилди. Бу натижалар бевосита чилпишнинг мақбул муддатда ўтказилганлигини кўрсатади [5, 6, 7]

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУХОКАМАСИ

Кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда чигит майдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар чилпиш 13-14 ҳосил шоҳида ўтказилган вариантда кузатилди ва ядродаги май миқдори 45,5% ни, чигитдаги май миқдори 21,7% ни, ядро чиқими 53,7% ни ташкил этганлиги кузатилди. Бу кўрсаткичлар чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан мос равища 2,3; 2,0; ва 1,4% га кўп демакдир. Чилпиш 11-12 ва 15-16 ҳосил шоҳида ўтказилган вариантларда ҳам чигит майдорлиги чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан бироз яхшиланганлиги ва мутаносиб равища бу 44,2-44,0%, 20,3-20,8, 52,5-52,8% ни ташкил этганлиги аниқланди.

1-жадвал

Андижон-35 ғўза навини турли кўчат қалинлигига парваришиланганда чилпишнинг чигит майдорлигига таъсири, 2018-2020 йй.

M №	Кўчат қалинликлари	Чилпиш вариантлари	Ядродаги май миқдори, %	Чигитдаги май миқдори, %
1	80-90 минг туп/га	11-12 ҳосил шоҳ	44,3	20,8
2		13-14 ҳосил шоҳ	45,1	21,5
3		15-16 ҳосил шоҳ	45,9	21,9
4		Чилпилмаган	44,0	20,5
5	100-110 минг туп/га	11-12 ҳосил шоҳ	44,2	20,3
6		13-14 ҳосил шоҳ	45,5	21,7
7		15-16 ҳосил шоҳ	44,0	20,8
8		Чилпилмаган	43,2	19,7
9	120-130 минг туп/га	11-12 ҳосил шоҳ	44,2	20,5
10		13-14 ҳосил шоҳ	44,9	20,6
11		15-16 ҳосил шоҳ	44,7	19,9
12		Чилпилмаган	43,9	19,4

Кўчат қалинлигин кўпроқ қолдирилган яъни 120-130 минг туп/га қолдирилб парваришиланган фонда чилпиш 11-12 ҳосил шоҳида ўтказилиши эвазига чигит ядродаги

мой миқдори 44,2% га, чигитдаги мой миқдори 20,5% га ва ядро чиқими 53,3% га тенг бўлган бўлса, 13-14 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 44,9; 20,6; 52,9% ни ташкил этди. Ушбу фонда чилпиш 15-16 ҳосил шохидаги ўтказилганда чилпиш ўтказилмаган вариантга яқин бўлганлиги аниқланиб, чигит ядродаги мой миқдори 44,7% ни, чигитдаги мой миқдори 19,9% ни ва ядро чиқими 52,5% ни ташкил этди [8,9,10]

Шунингдек, тажрибада ўрта толали ЎзПИТИ-201 ғўза навида ҳам турли кўчат қалинлигига боғлиқ равишда чилпишнинг чигит мойдорлигига таъсири аниқланган бўлиб, бунга кўра кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилган майдонда энг қюори кўрсаткичлар чилпиш 15-16 ҳосил шохидаги ўтказилган вариантдан олинган бўлиб, ядродаги мой миқдори 46,8% ни, чигитдаги мой миқдори 21,8% ни, ядро чиқими 53,9% ни ташкил этганлиги кузатилди.

2-жадвал

ЎзПИТИ-201 ғўза навини турли кўчат қалинлигига парваришланганда чилпишнинг чигит мойдорлигига таъсири, 2018-2020 йй

№	Кўчат қалинликлари	Чилпиш варианatlари	Ядродаги мой миқдори, %	Чигитдаги мой миқдори, %
1	80-90 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	45,4	21,0
2		13-14 ҳосил шох	46,2	21,2
3		15-16 ҳосил шох	46,8	21,8
4		Чилпилмаган	45,2	20,3
5	100-110 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	44,9	22,1
6		13-14 ҳосил шох	45,6	22,5
7		15-16 ҳосил шох	46,1	22,1
8		Чилпилмаган	44,9	20,9
9	120-130 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	45,2	20,9
10		13-14 ҳосил шох	44,9	20,6
11		15-16 ҳосил шох	44,7	20,7
12		Чилпилмаган	43,9	20,4

Ушбу ғўза навида кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилиб парваришланган фонда чипиши 11-12 ҳосил шохидаги ўтказилган вариантда ядродаги мой миқдори 44,9%

ни, чигитдаги мой миқдори 22,1% ни, ядро чиқими 54,6% ни ташкил этган бўлса, ушбу фонда энг юқори кўрсаткичлар чилпиш 13- ҳосил шохидаги ўтказилган вариантидан олиниб мос равишда 45,6; 22,5; ва 55,1% га тенг бўлди. Чилпиш 15-16 ҳосил шохидаги ўтказилган вариантида назоратга нисбатан ядродаги мой миқдори 1,2% га, чигитдаги мой миқдори 1,2% га, ядро чиқими 0,1% га ортганлиги аниқланди [11,12].

ЎзПИТИ-201 ғўза навини 120-130 минг туп/га кўчат қолдириб парваришиланган фонда чилпишни 11-12 ҳосил шохидаги ўтказилган вариантида юқори натижаларга эришилиб, ядродаги мой миқдори 45,2%, чигитдаги мой миқдори 20,9%, ядро чиқими 54,6% бўлганлиги кузатилди. Худди шунингдек 13-14 ҳамда 15-16 ҳосил шохидаги чилпиш ўтказилган вариантиларда ҳам чилпиш ўтказилмаган вариантига нисбатан чигит мойдорлиги яхшиланганлиги ва бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан мос равишда 1,0-0,8; 0,2-0,3; 1,1-0,7% ортганлиги маълум бўлди [13,14].

ХУЛОСА

1. ЎзПИТИ-201 ғўза навини 120-130 минг туп/га кўчат қолдириб парваришиланган фонда чилпишни 11-12 ҳосил шохидаги ўтказилган вариантида юқори натижаларга эришилиб, ядродаги мой миқдори 45,2%, чигитдаги мой миқдори 20,9%, ядро чиқими 54,6% бўлди.

2. Тажриба натижаларига кўра шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар иккала ғўза навида кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдириб, 13-14 ҳосил шохидаги чилпиш ўтказилганда энг юқори ҳосилдорлик олинган бўлса, Андижон-35 ғўза навини 120-130 минг туп/га кўчат қолдирилганда 13-14 ҳосил шохидаги чилпиш ўтказилмаган вариантига нисбатан чигит мойдорлиги яхшиланганлиги ва бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан мос равишда 1,0-0,8; 0,2-0,3; 1,1-0,7% ортганлиги маълум бўлди.

REFERENCES

1. Атабаева М.С. Ғўздан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда ресурстежамкор таехнологияларни такомиллаштириш: Автореф. дисс. қ.х.ф.ф.д. – Ташкент.: 2019. -20 б.
2. Дала тажрибаларини ўтказиши услублари. ЎзПИТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
3. Юлдашев С.Х., Ибрагимов Г.А., Таиров С.М. «Густота и урожайность хлопчатника», Изд-во «Узбекистан», 1977.
4. Назаров М.К.-Урожайность хлопчатника в зависимости от густоты стояния и уровня питания на лугово-сероземных почвах Зарафшанской долины». Автореф. канд.дисс. Ташкент, 1990. 23-стр.
5. Юлдашев С.Х., Камалова М.В. Факторы урожайности хлопчатника», изд-во «Фан», Ташкент, 1988.
6. Хайдаров, Мавлон Машрабович. "ОСНОВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ГУМИНОВЫХ ВЕЩЕСТВ В СВЕТЛЫХ СЕРОЗЕМАХ." *Scientific Bulletin of Namangan State University* 2.8 (2020): 87-93.
7. Юлдашев, Г., and М. Хайдаров. "Гумусное состояние сероземов севера Ферганы." *Гуминовые вещества в биосфере*. 2018.
8. Anvarjonovich D. Q., O'g'li S. A. A., O'g'li X. The importance of fungicides and stimulants in preparing seed grains //Asian journal of multidimensional research. – 2021. – Т. 10. – №. 4. – С. 415-419.

9. Юлдашев, Г. Ю., and М. М. Хайдаров. "Изменение морфологических и агрохимических свойств темных сероземов Чаткальского хребта." *Научное обозрение. Биологические науки* 3 (2019): 42-46.
10. Mukhtarovna N. R., Alimardonugli S. A., Botiraliyevich U. N. Features of treatment of winter wheat seeds by different processors //International Engineering Journal For Research & Development. – 2021. – Т. 6. – С. 3-3.
11. Khaydarov, Mavlon, and Gulom Yuldashev. "ENERGY CHARACTERISTICS OF SOME FREE AMINO ACIDS IN DARK SEROZEMS: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1372>." *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES*. No. 18.06. 2021.
12. Тургунов, А., Тешабоева, М., & Мамажонова, Н. (2014). ПОТРЕБНОСТЬ РАСТЕНИЙ В БИОПРОДУКТАХ. In *БИОРАЗНООБРАЗИЕ И РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ* (pp. 126-128).
13. Турдалиев, Авазбек Турдалиевич, and Акмалжон Акромович Ахунов. "SUG 'ORILADIGAN O 'TLOQI SAZ TUPROQLARDA G 'O 'ZA HOSILDORLIGINI OSHIRISH YO 'LLARI." *Science and innovation* 1.D3 (2022): 13-18.
14. Турсунов, С., Тургунов, А., Тешабоева, М., & Ашупров, Х. (2014). ОПЫТ ВЫРАЩИВАНИЯ ДВУХ УРОЖАЕВ С ОДНОГО ПОЛЯ ЗА ОДИН ГОД. In *БИОРАЗНООБРАЗИЕ И РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ* (pp. 70-42).